ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ- ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
21 июль, сешанба 1998 йил №85 (587)
Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:
2
МУҚАДДАС БУРЧ
3
СИРЛИ САНДИҚ
4
ЎЗАРО ИШОНЧ ЙЎЛИДАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА 41 КУН ҚОЛДИ

ЕТТИНЧИ ЙИЛ - БАРАКА ЙИЛИ

Халқимизда «Яхши ният - ярим давлат» деган ибора бежизга айтилмаган. Зотан, яхши ният қила олган инсонда шу ниятнинг амалга ошиши учун ҳаракат ҳам бўлади.

Кечагина телеэкранда Россия ғаллазорлари кўрсатилди. Баъзи жойларда апрел ойидан буён бир томчи ёмғир ёғмабди. Ҳосилнинг баракаси нари турсин, унинг урвоғи йўқ. 35-40 дона дон бўладиган бошоқдаги 5-6 дона ярим пуч донни мухбир қўлида эзиб кўрсатди. Ҳатто бу ғаллазорлар ўрим комбайнига кетган харажатини ҳам қопламаяпти. Шунда Ўзбекистонда ғалла бўлмаса бўлмас, пахта бўлса бўлди, Россия ғаллазорлари бизни таъминлайди, деган хулосалар ҳукмрон бўлган собиқ шўролар даври эсимга тушди.

Хўш, бу ўринда нега яхши ният ҳақидаги нақлни эсладим. Ўзбекистон Мустақил деб эълон қилинган дастлабки ойлардан бошлабоқ мамлакатимиз Президенти И.Каримов пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш, бошқа экинлар, хусусан, ғалла етиштиришга алоҳида эътибор қаратди. Яхши ният билан ғаллазорларни кўпайтириш, нафақат кўпайтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳақида қайғурди, кўрсатмалар берди, бу борада зарур ҳужжатлар қабул қилди. Энг муҳими бу ният фақат ниятлигича қолиб кетмасдан амалга ошириш чоралари кўрилди. Бу кўрсатмаларга амал қилган меҳнаткашлар тинимсиз меҳнат қилишди, мутахассислар янги навлар, янги технология устида жиддий бош қотиришди. Ҳаракатда - баракат, йилдан йилга барака ортди. Айниқса, мустақиллигимизнинг еттинчи йили ғалла ҳосили ҳар йилгидан юқори бўлди. Ҳар ҳолда вилоятларда юриб, меҳнат натижалари билан танишиш чоғида Президентимиз кафтига олган бир бошоқдаги донлар нафақат иштаҳага, балки кўнгилга таскин бўлади. Бир қиёслаб кўринг: ўша Россия ғаллазорига кўз тикиб, бутун бойлигимизни шу томонга йўллаб турган пайтларимизда 8-9 центнердан дон берган бир гектар ер бугун 80-90 центнердан ризқ бераяпти. Бу яхши ниятга ва меҳнатга яраша тақдирланиш эмасми?

Мамлакатимиз Президенти водий ғаллазорларида бўлганида гектар бошига 110-120 центнерлик ҳосил ҳақида яхши ният билдирдилар. Хўш, бунинг учун узоқ муддат керакми? Албатта йўқ. Чунки бу ниятда ҳаётий ҳақиқат бор. Республикамизда бу ютуқ учун кураш бошлаб юборилган.

Ўйлаб қарасак мустақиллик берган инъомлар орасида яхши ният қилиш имконияти ҳам бор экан. Ахир бугун эришаётган ютуқларимизни ният ҳам қилиб бўлмас эдику.

...Россия телеканали кўрсатуви давом этарди. Ойлаб иш ташлаётган шахтёрларнинг аёли йиғлаб гапиради: икки кундирки, бир буханка нон учун пул йўқ. Бу ўша ғаллазор фожеасининг давоми!

Ҳа, ҳар қачон яхши ният яхши, унга яраша самарали меҳнат яхши. Зотан, мустақил Ўзбекистон ўз автомобилига эга бўлар экан, осмонида дунёда ном қозонган самолётлар учиб-қўнар экан, бу яхши ният, онгли сиёсат, онгли бошқарув, энг қувончлиси мустақиллик шарофатидир.

Пайариқ тумани «Халқобод» ижара хўжалиги учун жорий йил баракали бўлаётир. Мавжуд 7000 гектар майдонда деҳқончилик қилган ғаллакорлар давлатга дон сотиш буюртмасини бажаришди. Эл хирмонига 2100 тонна дон топширилди. Ҳали хўжалик далаларида ғалла мўл. Ғаллакорлар уч режа миқдорида дон йиғиб олиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда.

Суратда: (чапдан) бўлим бошлиғи Нурқосим Отақулов ва хўжалик раҳбари Аҳмад Дўстбоев.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ШУКРОНА

Ёруғлик тўлдириб бу узун
йўлимга,
Юлдуздай чарақлаб кирганда
дилимга,
Шукрона тиладим мен улуғ
элимга,
Қуёшга айландинг, истиқлол,
Қалбимга жойландинг, истиқлол.

Мен юрган сўқмоқни майсалар
қўриқлар,
Суягим қотирди ҳар хил
йўл-йўриқлар.
Ялпизнинг ҳидини ташийди
ариқлар,
Қуёшга айландинг, истиқлол,
Қалбимга жойландинг, истиқлол.

Биламан, елкамда сенинг ҳам
қарзинг бор,
Бу қийин кунларда бизларга
арзинг бор,
Ҳар қалай сен сабаб, яшашда
орзу бор,
Қуёшга айландинг, истиқлол,
Қалбимга жойландинг, истиқлол.

Ҳамид НОРҚУЛ.

Истиқлол шуури

МУҚАДДАС БУРЧ

Юртбошимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари мамлакат маънавий ҳаёти оқимига жонли тиниқлик, равшанлик киритди, мустақилликни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлида изланиш, интилиш билан яшаётган меҳнаткаш, мунис халқимиз руҳининг кўзини ёритди.

Мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиёти маънавий турмушимизнинг ғоят аҳамиятга молик бўлган масала — мафкуравий фаолиятимизга алоқадор бўлган муаммоларни жиддий ишлашни талаб қилмоқда.

И.Каримов айтганларидек, «Одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад — муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади».

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз истиқлолга эришган кунимиздан бошлабоқ миллий мафкурани яратиш ғоясини давримизнинг энг долзарб масалаларидан бири, деб ҳисобладилар ва айни вақтда Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг назарий асосларини, бош тамойиллари-ю асосий йўналишларини ифодалаб бердилар. Ватанпарварлик ва инсонпарварликка асосланган бу мафкура бугун бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурури-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу интилишларини ўзида мужассамлаштирган улуғ куч сифатида халқимиз, эл юртимизни буюк мақсадлар сари етакламоқда.

Энди ҳамма гап ана шу мукаммал ғояни халқимизнинг кундалик турмуш тарзига айлантиришдадир.

(Давоми 2-бетда).

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Чеченистонда жорий этилган Фавқулодда ҳолат 18 июль куни ниҳоясига етиши керак эди. Бироқ Чеченистон раҳбариятининг фармойишига кўра, фавқулодда ҳолат яна ўн кунга узайтирилган.

МАҲБУСЛАР «ОВИ»

Чеченистондан олинган яна бир хабарга кўра, Грозний шаҳридаги қамоқхоналардан бирида ўтган ҳафтада қочиб кетган маҳбусларни қидириш ишлари давом этмоқда. Чечен Хавфсизлик хизмати ва ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан шу кечакундузда қамоқхонадан қочган 30 нафар маҳбусдан 15 таси қўлга олинган. Чеченистон Шариат Хавфсизлик хизмати маълумотига қараганда, маҳбусларнинг қочишига қамоқхона қўриқчиларидан бири ёрдам берган.

БИРОВНИНГ ПУЛИ ЭВАЗИГА ХАВФСИЗЛИК

Грузия давлат чегараларини қўриқлаш учун 100 миллион АҚШ доллари керак бўлади. Бу ҳақда Грузия чегара қўшинлари қўмондонлиги хабар берган. Маълумотларга кўра, Америка Қўшма Штатлари бугунги кунга қадар Грузия давлат чегараларини қўриқлаш учун 20 миллион доллар ажратган. Вашингтон яна 85 миллион доллар маблағ ажратиш ниятида.

УКРАИНА САМОЛЁТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Украина ҳарбий ҳаво авиацияси раҳбарияти ИЛ-78 русумли самолётнинг ҳалокати сабабларини ўрганмоқда. Украинага қарашли мазкур самолёт Африканинг Эритрея давлати ҳудудида портлаб кетган. ИЛ-78 самолёти Эритреяга Болгариядан учиб борган. Самолётнинг 10 кишилик экипажи ҳалок бўлган.

МУРОСА ЙЎЛИДАН

Исроил ташқи ишлар вазири Ицхак Мордехай Фаластин раҳбарияти билан музокаралар олиб борди. Учрашувда Исроил қўшинларини араб ерларидан олиб чиқиб кетиш масалалари муҳокама этилди.

«ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ»

Россия Президенти Борис Ельцин ёзги дам олиш мавсумини ўтказиш учун мамлакатнинг Карелия ўлкасига келди. Россия раҳбари Карелияда ўтган йили ҳам хордиқ чиқарган эди. Карелия ҳавоси Борис Ельцинга ёқиб қолган кўринади. У бу йилги меҳнат таътилини ҳам Карелияда ўтказишга қарор қилган.

ПАПУАСЛАР БОШИГА МУСИБАТ ТУШДИ

Папуа-Янги Гвинеяда кучли цунами — денгиз тўфони бўлиб ўтди. Янги Гвинеянинг шимолий — ғарбий қирғоғида сув кўтарилиб, қирғоққа жойлашган юзлаб уйларни ғарқ қилган. Денгиз тўфони сув ости зилзиласи туфайли юзага келган. Сув ости зилзиласининг кучи 7 баллни ташкил этган.

ИҚТИСОДЧИЛАР ХАВОТИРИ

Япониядаги бир қатор иқтисодчи мутахассислар Бош вазир Рютаро Хасимотонинг истеъфога чиқиши мамлакатдаги иқтисодий ва молиявий тангликни янада кучайтириши мумкин, деган хавотирни билдирмоқдалар.

«Жаҳон» ахборот агентликлари хабарлари асосида.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҚАРДОШЛАР НАЗАРИДА

Саттор МЕХБАЛИЕВ:

БУ ЮРТДА ҲАЁТ БАРҚАРОР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таклифи билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда бўлган Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Суладдин ўғли Мехбалиев мамлакатимиз ҳаёти билан танишгач, мухбиримизга ўз таассуротларини сўзлаб берди.



- Саттор Суладдин ўғли, аввало Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси ҳақида маълумот берсангиз?

- Конфедерация 1993 йил 5 февралда юзага келди. Бунгача, ҳатто мустақилликка эришилгандан сўнг ҳам собиқ советлар даврига хос характердаги касаба уюшма ўз фаолиятини давом қилиб келаётган эди. Ҳаёт эса, айниқса мустақил республика ҳаёти бундай фаолият билан келиша олмади. Шу пайтда биз Конфедерация тузиш ташаббуси билан чиқдик. Унинг қурултойини чақирдик ва жиддий тортишувлардан сўнг бу хулоса тўғри эканлиги тан олинди. Шу йўл билан Совет даврида касаба уюшма марказий аппарати бажариб келган вазифанинг 95 фоизи тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталарига ўтди. Конфедерация ижроия қўмитасида ҳар бир Марказий Қўмитасидан бир вакил бўладиган бўлди. Мана, ҳозиргача фаолиятимиз ўз самарасини кўрсатиб келаяпти.

- Конфедерациянинг мамлакат ҳаётидаги ўрни қандай?

- Агар мамлакатимиз ҳаётидаги вазиятни инобатга олсак, бизнинг олдимиздаги вазифалар бениҳоя катта. Аввало, мамлакатда ислоҳотлар зарур. Буни йўлга қўйиш учун эса мамлакатда барқарорлик ўрнатилиши керак. Маълумки, мамлакатнинг 20 фоиз ҳудудида нотинчлик. Бунинг оқибатида 10 минглаб одамлар ҳалок бўлди, ногирон бўлиб қолди. 1 миллиондан кўпроқ аҳоли ўз яшаш жойидан қочиб юрибди. Ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётганларнинг 25 фоизи қисман пул тўланадиган ва умуман пул тўланмайдиган мажбурий таътилда юрибди. Мана шу ҳолатнинг ўзи бизнинг вазифамиз нақадар оғир, уни йўлга қўйиш эса ундан ҳам оғир эканлигини тасаввур қилиш учун етарли.

- Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик баҳонасида сиз мамлакатимизнинг турли жойларида бўлдингиз, мамлакат ҳаёти, касаба уюшмалари фаолияти билан танишдингиз, бу ҳақда таассуротларингиз қандай?

- Мен мустақил Ўзбекистонда ҳаёт барқарорлигининг ҳақиқий намунасини кўрдим. Бунга албатта мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг одилона юритаётган сиёсий йўли, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларга жиддий эътибор қаратаётганлиги асосий сабаб деб биламан. Шу ўринда шуни айтишим керакки, Озарбайжон мамлакати раҳбарлигига Ҳайдар Алиевнинг келиши бизга ҳам шундай барқарорлик сари йўл бошлади. Ҳозир ҳар икки мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар ҳам айнан шу икки оқил ва одил Президентларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Мен Ўзбекистондаги тинч, ҳар хил таҳликалардан холи яратувчанлик ҳаётни, бунинг эвазига бунёд этилаётган кўзни қувонтирувчи бунёдкорлик ишларини кўриб Ўзбекистон Президенти ва халқи истиқлол берган имкониятдан оқилона фойдаланаётганлигига ишондим.

Ўзбекистон эришаётган ютуқларни ўз кўзим билан кўриб, бу халқ ўз мустақиллигидан ҳар қанча фахрланса арзийди, деган хулосага келдим.

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида

ШАРТНОМА

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ёлланма меҳнат кишисининг манфаат ва ҳуқуқлари, касаба уюшма ҳуқуқлари ва эркинлигини самарали ҳимоя қилиш учун биргалашиб ҳаракат заруратидан келиб чиқиб, икки суверен давлат меҳнаткашлари ва халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ўз бошланғич ташкилотларининг интилишларини ифода қилган ҳолда, қуйидагилар хусусида келишиб олишди:

1. Ҳамкорлик Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ОКУК ва ЎКУФК Уставларига мувофиқ амалга оширилади.

Келишувчи томонлар ўз муносабатларини томонлар мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилиги, бир-бирларининг ишларига аралашмаслик принциплари асосида, инсоннинг асосий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар ва БМТ ҳамда ХМТнинг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳужжатларларига амал қилиш асосида қуришади.

2. Ўз фаолияти тўғрисидаги, икки томон учун ҳам қизиқиш уйғотадиган маълумотларни ўзаро алмашиш, касаба уюшмалари конференциялари, съездлари ишида иштирок этиш, касаба уюшмалари ҳаётининг долзарб муаммолари бўйича биргаликда семинарлар ўтказиш, касаба уюшмалари қурилишини такомиллаштириш борасидаги иш тажрибасини алмашиш, тармоқ касаба уюшмалари ва ўқув марказларининг ҳамкорлигини ташкил қилиш.

3. Касаба уюшмаларининг курорт-санатория базаси имкониятларидан кенг фойдаланиш. Шифохоналар ва санаторияларга йўлланмаларни мунтазам алмашиш, туризм ва меҳнаткашлар ҳамда улар оила аъзолари фаол дам олишининг бошқа формалари соҳасида ҳамкорлик қилиш.

4. Халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари, касаба уюшма Марказлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришда биргалашиб ҳаракат қилиш, меҳнаткашлар манфаатлари йўлида қўшма акцияларни ўтказиш, халқаро масалаларда ўз ҳаракат ва позициялари хусусида келишиб олиш, халқаро касаба уюшмаси ҳаракатининг энг долзарб муаммолари бўйича консультациялар ўтказиш ва фикр алмашиш, ижтимоий тараққиёт, демократик ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш манфаатлари йўлида халқаро ҳамкорликни ва бирликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

5. Меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва биргаликда тавсияномалар, норматив-ҳуқуқий ва қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўрганиш ва кейинчалик бир-бирларининг иш тажрибасидан ўз фаолиятида фойдаланиш учун касаба уюшмалари делегациялари, касаба уюшмалари фаоллари гуруҳлари билан ўзаро мунтазам алмашиб туриш.

6. Мазкур шартноманни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирларни Томонлар белгилайди ва улар икки томонлама Битим ёки Ишчи протоколларига киритилади, улар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади. Томонлар мазкур битимларнинг қандай бажарилаётганини мунтазам назорат қилиб боради, шу мақсадда муттасил консультациялар ўтказиб туради.

7. Шартномани Томонлар 5 йил муддатга тузади. Мазкур шартнома икки томонлама битим бўлиб, келишилган Томонларнинг бошқа касаба уюшмалари марказлари ва бирлашмалари билан манфаатлари ҳамда муносабатларига дахл қилмайди.

8. Агар Томонлардан бири кўрсатилган муддатдан камида 3 ой аввал бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилмаса Шартнома муддати ўз-ўзидан яна беш йилга узайтирилади.

9. Мазкур шартнома Тошкент шаҳрида, 1998 йилнинг 17 июлида озарбайжон ва ўзбек тилларида икки нусхада тузилди, икки матн ҳам бир хил кучга эга.

10. Шартнома Томонларнинг ўзаро келишуви асосида тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши, шунингдек унинг қоидалари бузилган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси
С. МЕХБАЛИЕВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси
Д. ЖАҲОНГИРОВА

Ҳурматли муштарийлар!
Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Истиқлол шуури

МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

КАДРЛАР ВА ТАФАККУР ДАРАЖАСИ

Маълумки, кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодий, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида шаклланади. Айни вақтда ушбу тизим фаолиятида тайёрланиши керак бўлган кадрлар миллий мафкурамизни нафақат ўзида мужассамлаштирган, балки уни ҳаракатга келтирувчи, бойитувчи, унинг қадрини жаҳон минбаридан туриб жумлаи-жаҳонга етказувчи, унинг қадрини керак бўлса халқаро аудиторияларда ҳимоя қила оладиган кишилар бўлмоғи лозим.

Бунинг учун таълим тизимининг барча бўғинларида ёшларимиз келажаги буюк давлатимизнинг истиқболини, унинг давлат тузумини, босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш пировард натижада қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, турмуш тарзига олиб келишини, иқтисодий ва сиёсий мустақилликнинг мамлакатимиз халқаро обрў-эътиборини қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини, ватанпарварлик ва инсонпарварликдан бошланувчи маънавий қадриятларимиз силсиласи, мустақилликни мустаҳкамлаш, инсоннинг мавқеини қай тарзда ўрнига қўйишни яхши билишлари керак. Умуман фуқароларимиз мамлакат тараққиётининг пировард мақсадини ва унга эришишнинг Президент белгилаб берган ўз йўли, мазмун-моҳиятини қанчалик равшан билишса, бу тараққиёт шунчалик тез ва осон кечади.

Биламизки мактабгача таълим болада ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Бунда тарбия болалар муассасалари, оилада амалга ошади. Бакалавриат ва магистратура босқичларидан иборат бўлган олий таълимда эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига асосланиб мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берилади. Ўқишда индивидуал, мустақил билим олиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси муҳим ўрин тутади. Ўқув жараёни махсус ўқув юртларида амалга оширилади.

Даражалари, субъектларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи икки таълим турида мафкурамизнинг жамиятни бирлаштирувчи байроқ, ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, имони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонни тарбиялаш воситаси сифатида англашни амалга ошириш ўзига хос ёндашувни, ташкилий психологик, педагогик ва услубий жиҳатларини талаб этади.

Биз ватанпарварлик, инсонпарварлик мафкурамизнинг бош тамойиллари, заминлари деймиз. Хўш, ана шу ватанпарварликни мактабгача ва олий таълим тизимидаги бола ва талабада қандай шакллантирмоқ керак?

Сўзсиз болаларда аниқ ранглар, жарангдорлик, эмоционал баён, кўргазмалилик тез фаҳмланилади. Юртимизнинг гўзал гуллари, кўркам чинорлари, улкан тоғлари, болдек сувли булоқлари, шарқираб оқаётган дарёлари, ястаниб ётган далалари, боғлари, олтин қўллик ота-боболари, ширин-шакар мевалари, бетакрор шаҳарлари, эртакларга кўчган авлодлар қаҳрамонликлари ва ҳоказолар бир-бирлари билан бирлашиб, бола қалбида Ватан, ватанпарварликнинг дастлабки куртакларини бўй чўздиради. Энди уларнинг расм, музика, рақс, архитектура, адабиёт, кинодаги ифодалари эса Ватан, миллий ифтихорини аниқ ҳиссиётдан ҳаяжонли фикр мулоҳазалар томон етаклайди.

Миллий ифтихор ва ватанпарварлик бир-бирини тўлдиргувчи ва тақозо этгувчи ҳиссиёт ва тушунчалардир. Ватанпарварликда туғилиб ўсган ва авлодлар қони тўкилган ўлкага бўлган меҳр-муҳаббат ифодаланса, миллий ифтихорда эса ўзини шу ернинг, шу элнинг, халқнинг бир қисми, деб ғурур билан ҳис этиши ётади.

Миллий ифтихор ҳақида гапирганда айрим ўртоқлар фақат ўзбек миллати, унинг ўз-ўзини билиши, унга хос бўлган қадриятларни тиклаш, улуғлашга урғу берадилар.Бу-тўғри. Биз халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатларини тикламоғимиз, уни ҳозирги замон мазмуни билан бойитмоғимиз зарур. Лекин бугун бизнинг олдимизда турган бош масала мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққиётнинг энг қулай йўлига таяниб, қисқа вақт ичида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторига ўтиб олишдир. Тил ҳам, имло ҳам, атамалар ҳам, қадриятлар, дин ҳам шу мақсад учун ишламоғи керак. Ватанпарварлик тушунчаси, биринчи галда бизни ўзаро бирлаштириб турган халқ аталмиш умумий бирликдан келиб чиқмоғи керак, Ўзбекистон шу ватанда яшаётган бошқа миллатлар учун ҳам **«ЎЛСАМ АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН»**, деб аталувчи маънавий қадрият бўлиши керак. Бу уларнинг шаъни, обрўси, қадр-қиммати бўлиши керак.

Инсон қадр-қиммати билан тирик. У қорни учун йиғламайди, балки қадри учун йиғлайди, дард чекади. Республикада яшайдиган ҳар бир фуқаро шу мамлакат қадрининг бир мисқоли. Шу мисқолларни улуғлаш орқали Ватан қадри улуғланади. Назаримда, ана шу қарашларни биз болаларда қайноқ ҳиссиёт билан идрок қилишга эришмоғимиз керак. Бола кўпроқ кўради, эшитади, аммо кўпчилик ҳолда моҳияти, сабабининг тубига етиб билавермайди. Аммо мулоҳаза учун ўзида замин тайёрлайди. Шу боис болалар адабиёти, киноси, мусиқаси, тасвирий санъати ҳақида жиддий ўйланмоғимиз керак.

КЎНГИЛДА ВАТАН ИШҚИ

Ватан, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳақида тил билан айтиш кўпчилик ҳолда маддоҳлик татини беради. Меҳр тафти баён қилинган жажжи мультфильм, ҳикоя, қўшиқ, эртак, расм болада табиий Ватан ишқи, нашидасини уйғотади, шакллантиради.

Шу ўринда Ватанимиз тарихига оид бадиий асарлар, кинолар ҳақида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим. Менинг назаримда ҳали Ватанимизнинг тарихий саҳифалари, унинг қаҳрамонлари бадиий тасвир ва образларга ниҳоятда чекланган даражада кўчирилган. Тўғри, ёшларимиз, фуқароларимиз уни асосан тарих дарсликларидан ўқиб ўрганишлари керак. Аммо Бобур тарихини П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романини ўқиб билганидек, билишнинг иложи бўлмаса керак. Чунки романда оддий тарихий кетма-кетликлардан иборат бўлган ҳодисалар ўзининг бутун борлиғи, икр-чикрлари, ҳаяжонли муносабатлари-ю баҳолари билан шундай берилганки уни ҳар қандай тарих дарслигидан олиш мумкин эмас. Чунки ундаги бадиий тасвир ўқувчини ўша даврнинг барча зиддиятлари, юрак тафтлари, инсон тақдири кесмалари орасидан ўтказади ва ушбу муносабатлар борлиғида ўзини кузатишга, ўтмиш сабоқларини умумлаштиришга, мақсадга мувофиқ янги бир муддаога олиб келади. Шунинг учун менимча тарихимизнинг турли давр саҳифаларини, ижобий, салбий тарихий шахсларини болалар кинолари тилига кўчирсак, кўп серияли кино сериялларини яратсак болаларда ватанпарварлик дунёқарашни шакллантиришда ниҳоятда катта савобли иш қилган бўлар эдик.

Олий мактабда масала анча-мунча бошқача қўйилади. Бунда жонли ҳиссиётнинг ўрнини тафаккур эгаллайди. Юртбошимиз айтганларидек келгуси асримиз мавжудлигининг бош омилларидан бири билим ва тафаккур бўлиб қолади. **«КУЧ-БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА»** тамойили ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади, унинг қудрати янада кучаяди. Шу боис олий ўқув юртларида таълим жараёнининг асосий воситаси тафаккур бўлиб қолади.

Тафаккур объектив реалликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муҳим муносабат, алоқаларнинг инсон томонидан мақсадга мувофиқ, билвосита, умумлаштирган ҳолда фаол инъикос этилиши бўлиб, у назарий, амалий масалаларнинг қўйилиши ва ечимида вужудга келади ва амалга ошади. Унинг асосий шакллари: тушунча, ҳукм ва хулосалар талабаларда дунёвий дунёқарашни шакллантиришда, мафкурамизнинг асосий заминлари бўлган ватанпарварлик ва инсонпарварликнинг қарор топишида муҳим рол ўйнайди.

Олий ўқув юртларида талабалар асосан мутолаа мушоҳада билан шуғулланадилар. Лекин бизнингча юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, тақдири учун қайғурадиган, ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланган ҳолда ташкил қилмоқ, олиб бормоқ керак. Шундагина биз мафкуравий ишни гап билан эмас, меҳр билан амалда олиб борган бўламиз.

Олий мактабда мавкуравий ишни, маънавият ишларини алоҳида ажратиб олиб мафкуравий ёки маънавий фаолият сифатида олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Институтлардаги ўқув-услубий, илмий тадқиқот, тарбиявий ишларнинг барча йўналиш ва даражалари ҳар доим, ҳар қандай ҳолда, кўринишда мафкуравий, маънавий характерга эга бўлмоғи лозим. Журнал муҳаррири саволларига берилган жавобда айтилганидек, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этади, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи ҳамдир.

ШАХС СИФАТИ

Мафкурамизнинг реал ҳаётда ўз ўрнини топиши, унинг ҳаётийлашиши кишилардаги тафаккурнинг табиати, йўналиши ва даражаси билан боғлиқ. Албатта бу ўринда инсоннинг шахс сифатидаги **«МЕН»**лиги муҳим аҳамиятга эга. ватанга, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи шахсгина тафаккур жараёнида қарашлар, ғоялар, баҳолар, фикрлар оламида эриб ўзини йўқотмайди, балки уларни танқидий, ижодий ўрганиш ҳисобига, уларни бир-бири билан солиштириш, қиёслаш ҳисобига, ўзининг ўзига хослигини яна ҳам мукаммалроқ ифода эта бошлайди.

Шахсда мазкур сифатларни шакллантиришда ижтимоий гуманитар фанларнинг, биринчи галда, философиянинг роли бениҳоя каттадир. Ҳаммамизга маълум мустақилликка қадар фақат «изм»лар йиғиндисидан иборат бўлган, ўта реакцион, партиявий, илмийлик ва ҳаётдан узоқ схоластик марксча-ленинча философияни ўргандик, талабаларга ўргатиб келдик. Философия фани дейилганда яккаю-ягона марксча-ленинча философияни билардик, холос. Бизнинг назариямизда гўё ундан бошқа философия йўқ эди. Уларнинг борлигини эшитсак ҳам уларни ғайри-илмий, деб ҳисоблаб уларга нафрат кўзи билан қарар эдик. Мана қарийб 7 йилдирки биз ушбу якка ҳоким философия, тафаккур исканжасидан қутилдик. Энди биз партиявийликдан йироқ философияни ўрганмоқдамиз ва ўргатмоқдамиз.

Бугунги кунда талабалар материалистик ва идеалистик қарашни фалсафий мушоҳаданинг, тафаккурнинг икки томони, деб қарамоқдалар. Уларнинг бирламчилиги ёки иккиламчилиги асосида философиянинг мазмуни очилаётгани йўқ. Муҳими философиянинг асосий категория, тушунча, услублари, мантиқ қонунлари талабаларда тафаккур маданиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Маълумки, тафаккурнинг муҳим шакли тушунчадир. Айни вақтда тушунча, унинг мазмуни, ҳажми, шакллари ҳақида билимга эга бўлмасдан илмий мушоҳада юритиб бўлмайди. Тушунча ҳиссий билиш шаклларидан фарқли ўлароқ инсон миясида тўғридан-тўғри пайдо бўлмайди. У таққослаш, анализ, синтез, абстрактлаш, умумлаштириш каби мантиқий усуллардан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади ва сўз билан узвий боғланган бўлади. Тафаккур ва тил ўртасидаги боғланиш сўз ва тушунча ўртасидаги боғланишда конкрет кўринади.

Талабалар философияни ўрганиш жараёнида тафаккур механизмларини қанчалик мукаммал эгалласалар биринчидан, улар ижтимоий муносабатларнинг оддий элементи эмас, балки, фаол иштирокчиси, унинг яратувчисига айланади; иккинчидан эса, у ўзига молик бўлган илмий информацияларни системали ўзлаштира олади, сақлай олади, ишлата олади; учинчидан, фанга янги ғоялар, фикрлар, тушунчалар, хулосаларни бера олиш салоҳияти, маданиятига эга бўлади; тўртинчидан, эгаллаётган касбига умумийлик ва хусусийлик нуқтаи назаридан ёндоша олади. Ундаги тушунчалар, категорияларни нафақат предмет ва ҳодисаларнинг умумий муҳим белгиларини акс этувчи тафаккур шакли баёни, ўша фан, илм, билим тараққиётининг даражасини кўрсатувчи деб ҳам билади. Фалсафани яхши ўзлаштирган талаба иқтисодиёт назариясини, ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш, бозор, пул, талаб ва таклиф, нарх-наво, рақобат ва бошқа иқтисодий ҳодисаларга оид тушунча ҳукм, муносабатларни эркин ўзлаштира олди.

ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР

Мафкуравий ҳаётимизда иқтисодий тафаккурнинг ҳам ўрни бениҳоя. Маълумки, иқтисодий мустақиллик Президентимизнинг доно сиёсатларига кўра мамлакатда ҳам кўлами, ҳам моҳияти, ҳам даражасига кўра олиб борилаётган изчиллик, меҳнатимиз натижаси сифатида қўлга киритилмоқда. Мазкур фидоийлик заминида эса бир-бирини тақозо қилувчи икки нарса-бири ватан туйғуси, ватанга меҳр халқ тақдири ҳақида қайғуриш, иккинчиси, маҳорат, илм, ҳунар, тафаккур ётибди. Бу икки улуғ сифатларнинг муштараклиги юртимизнинг иқтисодий кўрсаткичларини йилдан йилга оширмоқда. Ҳар қандай мамлакат, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам келажагини белгиловчи муҳим омиллардан бири шу элнинг иқтисодий тафаккури даражасидир. Агар кишилар иқтисодий ҳаётни чуқур таҳлил қила олса, турли хил омиллар ролининг ўрнини алмаштириш ҳисобига иқтисодий самарага эришиш моделларини ярата олсалар уларнинггина бири икки бўлади. Бу сифатлар ўз-ўзидан келмайди. Меҳнат, ўқиш ўрганиш мутолаа қилиш билан келади.

Мафкурамизни шакллантирадиган буюк қудратлардан бири меҳнатдир. Меҳнат туфайлигина философиянинг методологик қудратини иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишга, ўрганишга кўчириш мумкин. Ёшлар бундан асло чўчимаслиги, аксинча катта қизиқиш билан бу маҳоратни эгалламоқлари керак. Албатта, мазкур жараённи амалга ошириш бирталай муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Буларнинг биринчи иқтисодий назария, иқтисодиёт илмининг турли соҳалари бўйича мукаммал ўқув дастурларини, дарсликларини яратиш масаласидир. Сўзсиз бир масаланинг хилма-хил ечимига бағишланган бир неча адабиётларга эга бўлиш, уларни қиёсий ўрганиш ёшларда қиёсий илмни ўстиради.

Иқтисодиётда позитив ва норматив ҳукмларни фарқлаш иқтисодий тафаккурни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Агар позитив иқтисодиёт иқтисодий ҳаёт фактларини ўрганса, турли хилдаги хўжалик структураларининг мавжудлик жараёнлари ва механизмларини кўрсатиб берса, норматив ҳолатларини ҳисобга олмоқ керак. Талабаларда масалага позитив ва норматив ёндошиш универсал услуб сифатида шаклланмоғи керак.

Булардан ташқари олий ўқув юртларида ўқув услубларини тубдан ўзгартирмоқ керак. Ўқитувчилар маърузалар ,ўқишдан, амалий машғулотлар ўтказишдан кўпроқ талабалар билан якка-якка ишлашга ўтишлари керак. Талабанинг ўз устида мустақил ишлашини илмий режали ташкил қилиш, унга керакли шароитни яратиш, унинг интеллектуал қобилиятини очиш усулларини топиш, уни мулоҳазага, таҳлилга ўргатиш бугунги куннинг долзарб педагогик масаласидир.

Таҳлил қилиш қобилиятига, қиёслаш санъатига эга бўлган кадрларгина мен кимман, менинг жамиятдаги ўрним, ролим нимадан иборат, мен Ватанга, халқимга нималар бердим, нима беришим мумкин эди, деган саволни ўзларига бера олади. Шахснинг ўзига ўзининг танқидий, ижодий муносабати уни ҳаракатга келтиради, ҳаётда, турмушда ўзининг муносиб ўрнини тезроқ топишга ёрдам беради. У тақдиридан, ватандан катта қониқиш билан яшайди. У ҳар қандай иқтисодий, сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқ бўлган фикр, тафаккур қарамлиги қуллигидан озод бўлади.

Ёшлар бизнинг келажагимиз! Бу сўзни такрор ишлатаяпмиз. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас. Бу объектив қонуният. Бугунги кунда ёшлар учун нима қилаётган бўлсак биз уни ўзимизнинг, юртимиз, ватанимизнинг эртанги куни учун қилаяпмиз. Бу ишда кечикишга, хатоликка мутлоқ йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса мафкуравий ишда.

Кундалик ҳаётдаги камчилик бир кунда бўлмаса, ўн кунда тузалиши мумкин. Аммо мафкура ишида йўл қўйилган бир хатони тузатиш учун юзлаб йилларни йўқотиш керак бўлади. Мафкуравий ишда, билим, амалиёт интеграциялашган ҳолда мавжудлигига эришмоқ бизнинг олдимизда турган муқаддас вазифадир.

М.ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент Молия
институтининг ректори,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
академиги

Юқоричирчиқ тумани «Ийк ота» жамоа хўжалигида Марказий Осиё ногирон болалари ўртасида III халқаро расмлар танлови бўлиб ўтди.

Суратларда: танловдан лавҳалар.

Равшан НУРИТДИНОВ (Ўза) суратга олган.

Касабақўм минбари

СИРИ ОДДИЙГИНА

Бу йил хўжалигимиз учун омадли келди. Йилнинг биринчи ҳосили-пилла етиштириш бўйича шартнома режаси ошириб бажарилди. Айни пайтда энг муҳим соҳа ғаллачиликда қизғин мавсум давом этаяпти.

Хўжалигимизда бу йил 452 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Суғориладиган ғаллазорлар 278 гектарни ташкил этади. Ерларимиз тоғ этакларида жойлашгани сабабли сув насослар ёрдамида чиқарилади. Шунга қарамасдан, хўжалигимиз ғаллакорлари ўртача 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олишни мўлжаллашган.

Комбайнчилар, ғалла звенолари, бригадалар ўртасида мусобақа ташкил этилган. У ҳар беш кунда якунланиб, ўрим суръати, ҳосил сифати, ҳосилдорликда юқори кўрсаткичга эришганлар учун махсус мукофотлар белгиланган. Хўжалигимизда пешқадам ғаллакорлар кўп. Ўрим-йиғим мавсумида эса А.Турсунов, Ҳ.Шариев, Х.Абдуллаев, Б.Нуруллаев бошлиқ звенолар ҳар жиҳатдан пешқадамлик қилишмоқда.

Ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларимизнинг сири оддийгина. Хўжалик бошқаруви оқилона йўлни танлаган. Айниқса, янги раис Абдуқодир Мардонов деҳқоннинг манфаатдорлигини биринчи ўринга қўяди. Жамоа шартномасида ҳам бу ўз ифодасини топган. Амалий ғамхўрлик барчани самарали ишлашга ундамоқда. Кейинги йилларда хўжалигимиз ўз қарзларидан қутулиб бормоқда. Иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши натижасида иш ҳақи ўз вақтида берилаяпти. Бир сўз билан айтганда фақат биргалашиб, ишлаб муваффақиятга, фаровонликка эришиш мумкинлигини барча тўғри англаб етмоқда.

А. ҲАЛИМОВ,
Ургут туманидаги «Деҳқонобод»
жамоа хўжалиги касаба
уюшма қўмитаси раиси.

Бўка туманидаги Турғунбой Жиянов (суратда) бошлиқ звено аъзолари 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан пахта олишни кўзлашган. Звено пахтакорлари аҳдга яраша меҳнат қилишмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Касаба уюшма ҳаёти: ижтимоий ҳимоя

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ҚЎШИМЧА...

Халқимизда яхши ният ярим бойлик деган шоирона мақол бор. «Сувмаш» насослар ва электрмашиналари ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш заводи ана шундай хуш ният ила республикамиз мустақиллигининг 7 йиллигини ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида муносиб кутиб олиш учун бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Мазкур корхонада бундай ҳаракат анъанага айланган.

Шу йил «Наврўз» байрами олдидан ҳам шундай бўлган эди. Ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилди, маданий-маиший объектлар тартибга келтирилди, жамоат ишлари қирралари кенгайтирилди. Байрам арафасида ва тантана кунлари жамоа қилинган ишга яраша моддий ва маънавий қониқиш ҳосил қилди.

Байрам яқин қолганда корхона маъмурияти касаба уюшма ташкилоти ҳисобига 50 минг сўм ўтказиб берди. Касаба уюшма фаоллари кам таъминланган, кўпболали, моддий муҳтож оилаларни аниқлади. Уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб хайрия ишларини олиб борди. «Наврўз» кунлари илгари корхонада ишлаган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унга тенг ҳуқуққа эга бўлганларга бир ярим минг сўмдан, пенсионерларга минг сўмдан пул берилди. Корхонада ўтказилган тантанада муносиб кишилар муносиб тақдирланди. Шу куни корхонада сулола бўлиб ишлаётган оилаларнинг ҳурмати жойига келтирилди. Уларга турли мукофотлар топширилди. «Ёш ва укувли ишчи учун» деган мукофот токарь Баҳодир Солиевга берилганда чор-атроф қарсакларга тўлиб кетди. Бу йигит ниҳоятда меҳнаткаш, ташаббускор ва укувли, кўпчиликка ўрнак эди-да. Яқинда турмуш қурган шу ерда ишлайдиган ҳар бир ёш оилага чой сервиси, ошхона термоси совға қилинди.

- Бундай тартибда иш тутишимиздан мақсад,-дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Бекзод Содиқов,- биринчидан илғор, ташаббускор ишчи-хизматчиларни обрў-эътиборини кўтариш бўлса, иккинчидан кишиларнинг меҳнатига яраша ижтимоий ҳимояни яхшилашдир.

Умуман заводда жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Корхона ҳузурида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони очилган. Бу ерда шунингдек, ошхонада устама ҳақ ниҳоятда оз фоизда қўйилади. Шунинг учун ҳам овқатланиш арзон, ишчи-хизматчилар сабзавот-мева, гўшт-сут маҳсулотларини шу ердан сотиб оладилар.

Корхона ўз болалар боғчасига эга. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ёш авлодни соғ ва маънавий баркамол тарбиялаш мақсадида ғамхўрликлар қилмоқда. Машғулотлар учун зарур қурол ва жиҳозлар сотиб олиб берилмоқда. Сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бир фермер хўжалиги билан шартнома тузилиб кичкинтойлар учун ҳар куни литри 35-сўмдан сут сотиб олинади ва бу пулни корхона ўз ҳисобидан тўлайди. Бунинг учун ота-оналардан пул олинмайди.

Яқинда бир воқеа юз берди. Илгари мазкур корхонада кўп йил ишлаган ота ўз набирасини завод боғчасига қабул қилиш илтимоси билан келибди. Жамоа шартномасига мувофиқ боғчага фақат корхонада ишлаётган ота ёки онанинг фарзанди қабул қилиниши ва имтиёзлардан фойдаланиши ёзилган эди. Собиқ пенсионер ишчининг фикрларида ҳам жон бор эди.

Бу масала касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятда кўриб чиқилди. Ҳатто жамоа шартномасига қўшимча киритишга ҳам қарор қилинди. У шундай мазмунда эди: агар ишчи ходим узоқ йил мазкур корхонада ишлаган бўлса, оилавий моддий аҳволи ўрганилиб, сўнг ижтимоий ҳимоя мақсадларида неварасини болалар боғчасига қабул қилиш мумкин.

Дарвоқе, касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномасининг тўла бажарилишини таъминлашга алоҳида диққат-эътибор бермоқда. Натижада ҳужжатдаги бандларнинг ўз муддатида адо этилишига эришилаяпти. Аввало, шуни таъкидлаш керакки меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни кафолатига айланган жамоа шартномасини пухта тузишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар йили жамоа шартномасининг бажарилишига якун ясалар, келаси йил учун янги лойиҳаси тайёрланар экан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшироқ ташкил этиш диққат-марказда туради. Ишчи-хизматчилар 1998 йил жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокамалари даврида қатор таклиф-мулоҳазаларни билдирдилар. Улар орасида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жамоанинг боғдорчилик-томорқа ширкатига ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам бор эди. Чунончи, сув етмай экинларни суғориб бўлмай қолганлиги, шулар жумласидан эди. Жамоа шартномасига алоҳида банд қилиб киритилди ва суғориш тизими ташкил қилинди. Шунингдек, жамоа шартномасида ойлик маошларни беришнинг аниқ кунларини белгилаш ҳамда кечиктирмай бериш ёзиб қўйилди ва ҳозирда унинг ижроси таъминланмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият корхона жамоаси аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Масалан, корхона Тошкент тиббиёт институти, Кўкрак хирургияси институти билан ўзаро шартнома тузишган. Даволанишга муҳтож ишчи-хизматчилар бу шифохоналарда соғлиқларини тиклаб қайтмоқдалар.

Бу йил олти кишига санаторийга йўлланма берилди. Тўққиз оила ўн кунлик дам олиш уйида ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Айниқса олтмиш киши учун Қумушконда икки кунлик дамнинг ташкил этилиши кўпчилик учун эсдан чиқмайдиган воқеа бўлди. Бу йил ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун икки навбатга болаларни соғломлаштириш оромгоҳига саксонта йўлланма ажратилди. Ота-оналар эса ҳар бир йўлланма учун бор-йўғи 643 сўмдан пул тўладилар.

Будир ПЎЛАТОВ.

ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

Истеъмолчи манфаати-муқаддас

СИРЛИ САНДИҚ

- ***«Янги бозор» директори нега ишдан олинди?***
- ***Акциз маркалари сохта экан.***
- ***Махфий цехнинг ҳиди чиқди.***
- ***Рухсатсиз ва ҳужжатсиз.***
- ***Бузуқ машиналар.***

Эсимизда, Республика солиқчилари март ойида Ургутдаги «Янги бозор»да текширув ўтказганларида бозор директори Э.Набиев икки қўлини кўксига қўйиб «Ишда ижобий ўзгаришлар ясаймиз, тартиб-интизом ўрнатамиз» деган қуюқ ваъдани берган эди. Афсуски, солиқчилар кетиши билан ваъда ҳам унутилди. Бозорда тартибсизликлар давом этаверди. Солиқчилар навбатдаги текширувларда буни ўз кўзлари билан кўрдилар.

Бозор бўйлаб ўтказилган такрорий текширувда солиқчилар дафъатан акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар савдоси устидан чиқиб қолдилар. Фуқаро Гулбодом Эшонқулова турли хил кўринишдаги 291 шиша ароқларни ҳеч қандай рухсатсиз ва ҳужжатсиз бемалол сотиб ўтирарди. Унинг ёнида савдо қилаётган фуқаро Бозорбой Рўзиевда ҳам тайинли ҳужжат йўқ эди. Шунга қарамай сохта тижоратчи бозорнинг энг гавжум жойини эгаллаб олган эди. Солиқчилар текширув ўтказган куни Бозорбой акциз маркасиз салкам 73 минг сўмлик сигареталарни сотишга олиб чиққан эди. Лекин бу гал иши ўнгидан келмади. Ҳужжатсиз молларни икки қўллаб солиқчиларга топширишга мажбур бўлди.

Текширувчилар бозор айланиб юришганини эшитган яна бир фуқаро молларини ташлаб қаёққадир ғойиб бўлди. Солиқчилар эгасиз сигареталарни ҳисоблаб кўришганида у 330 қути чиқди. Шунча «Родопи» дарҳол эгасиз мол сифатида расмийлаштирилиб мусодара қилинди.

Бозордаги бошқа камчиликлар ҳам солиқчилар асабини бузди. Савдо майдонлари ифлос. Сотувчи ва харидорлар учун оддий шароитлар ҳам яратилмаган. Шундан кейин улар бозордаги ночор аҳвол ҳақида Самарқанд вилояти ҳокимига тақдимнома киритишга мажбур бўлдилар. Ҳокимлик ўтказган такрорий текширув давомида солиқчилар аниқлаган барча камчиликлар тасдиғини топди. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараб келган бозор директори Э.Набиев ишдан бўшатилди.

Худди шундай чора Пастдарғом туманидаги «Жума» бозори директори С.Жумаевга нисбатан ҳам кўрилди. У эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилиб, вазифасидан озод этилди.

Афсуски, акциз маркасиз маҳсулотлар фақат бозорларда эмас, хусусий дўконларда ҳам бемалол сотилаяпти. Самарқанд вилояти солиқчилари яқинда Темирйўл туманидаги «Рауфбобо» масъулияти чекланган жамиятга қарашли 1-савдо дўконида сотилаётган 449 яшик сифати шубҳали ароқни савдодан олиб қўйдилар. Кейин бу ичимлик вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш бошқармаси лобораториясида текширувдан ўтказилганида ҳақиқатдан ҳам улар қўлбола эканлиги ва истеъмолга яроқсизлиги тасдиқланди. Текширув ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун дарҳол вилоят прокуратурасига юборилди.

«Зарафшон-Колифорния» қўшма корхонасига қарашли 1-савдо дўконида яна ҳам қизиқ ҳолатлар аниқланди. Аввало, дўконга ўрнатилган назорат-касса машинаси туман давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтмаганлиги маълум бўлиб қолди. Бунинг устига спиртли ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома ҳам йўқ экан. Шунга қарамай дўкон мудири К.Маъдиева ароқ-вино савдосини кенг йўлга қўйиб юборибди. Солиқчилар суриштириб билишса, дўкон яқинида мактаб бўлганлиги учун ҳам унга спиртли ичимликлар билан савдо қилишга рухсат берилмаган экан. Шу боисдан ҳам солиқчилар дўкондаги 700 шиша «Самарқанд»ароғини сотувдан олиб қўйдилар.

Рухсатномаси бўлмасада спиртли ичимликларни хуфя йўллар билан уриб пуллаётган сохта тижоратчилар Фарғона вилоятининг Қува туманида ҳам кўпайиб бормоқда. Туман солиқчилари «Алоқа уйи» биносида жойлашган фуқаро Хайрулла Абдусатторовга қарашли савдо дўконини кўздан кечирганларида бу ерда ҳеч қандай рухсатсиз ва ҳужжатсиз 118 шиша «Оқ ароқ» пештахталарга териб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдилар. Ароқларга ёпиштирилган акциз маркалари негадир асл нусхаларга ўхшамасди. Шундан сўнг солиқчилар махсус дитектор ёрдамида маркаларнинг ҳақиқийлигини текширишга киришдилар. Шубҳа тўғри бўлиб чиқди: маркалар асл нусхадан кўпайтирилган экан. Демак, қўлбола ароққа сохта маркалар ёпиштирилган. Қаердадир махфий ароқ цехи бўлиши керак.

Солиқчилар ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг ходимлари билан биргаликда Хайрулла истиқомат қилаётган хонадонни кўздан кечирганларида каттагина ароқ цехининг устидан чиқиб қолдилар. Бу ерда яна 7330 шиша «Оқ ароқ», салкам 93,5 минг сўмлик вино сотишга шай қилиб қўйилган экан. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларига топширилди.

Яна бир жиноий иш Ўзбекистон туманидаги Нурсух қишлоғи фуқароси Эркин Мелибоев устидан қўзғатилди. У ҳам қўлбола ароқ тайёрлашда айбланган эди. Хонадонида спирт солинган 229 литр сиғимли металл бочка борлиги аниқланди. Бундан ташқари Эркин қандайдир мақсадлар билан битта-иккита эмас, балки 47 та ТОЗ-8 калибрли ўқ отар қуролини ўқ-дорилари билан яширинча сақлаётганлиги маълум бўлди. Уларнинг ёнида ўқ тайёрлайдиган махсус мослама ҳам бор эди.

Эркиннинг ҳамқишлоғи Нозиржон Сотволдиев ҳам қўлбола ароқ тайёрлашнинг пири бўлиб кетган экан. Солиқчилар у истиқомат қилаётган хонадонни кўздан кечирганларида эндигина ароқ қуйиб бўлинган 41 шишани топдилар. Шундан 21 тасининг қопқоғини ҳали тўла қотириб улгуришмаган эди. Қўлбола ароқлар ёнида «Роял» спиртидан бўшаган 9 та шиша ҳам турарди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

Афсуски, тадбиркорликнинг таъқиқланган турлари билан шуғулланиб, охироқибатда бадном бўлаётган нафси бузуқлар Тошкентда ҳам учраб турибди. Улар қўлидан чиқаётган ноқонуний маҳсулотлар гоҳ бозорларда, гоҳ хусусий дўконларнинг пештахталарида пайдо бўлиб қолаяпти.

Республика солиқчилари Юнусобод туманидаги «Нозиманисо» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконини кўздан кечирганида пештахта остидаги темир сандиқ уларда шубҳа уйғотди. Сандиқ очиб текширилганида ичидан сифат сертификати бўлмаган 10 минг 195 сўмлик спиртли ичимликлар, бир талай АҚШ доллари чиқди. Мирзо Улуғбек туманидаги «Нина» савдо шаҳобчаси сотувчиси О.Федорова эса акциз маркасиз 16 минг 655 сўмлик спиртли ичимликларни ҳеч қандай ҳужжатсиз ва рухсатсиз сотиб ўтирган пайтида қўлга тушди. Савдога қўйилган яна 20 шиша спиртли ичимликнинг ҳам сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати йўқ эди. Бундай шубҳали ичимликлар киши организмига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ким кафолат бера олади?

Солиқчилар шундай текширувлар давомида назорат касса машиналаридан фойдаланишнинг аҳволини ҳам чуқур ўргандилар. Афсуски, кўп жойларда назорат касса машиналари савлат учун қўйилган экан. Юнусобод туманидаги «Ширин Исломдиёр» хусусий корхонасига қарашли савдо дўконига ўрнатилган назорат касса машинаси 20 апрелдан бери ишламаяпти. Тумандаги «Ефрат-люкс» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида ҳам аҳвол шундай. Бунинг устига пештахталарга акциз маркасиз 6570 сўмлик спиртли ичимликлар бериб қўйилган эди. «Аброр» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида спиртли ичимликлар сотиш учун махсус рухсатнома бўлмаса-да, 16,5 минг сўмлик спиртли ичимликлар пештахта остидан пулланаётган экан. Бундай учарларни шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам кўриш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 221-қарори асосида сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар йўлида мустаҳкам тўсиқ қўйилмоқда. 1 июндан бошлаб алкоголли маҳсулотларни майда чакана савдо тармоқлари (савдо залига эга бўлмаган дўконлар, киоскалар ва палаткалар)да, деҳқон бозорларида ва улгуржи бозорларда сотишга барҳам берилди. Июлдан бошлаб эса олиб келинаётган ва ишлаб чиқарилаётган алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилди. 1 сентябрдан бошлаб илгари амалда бўлган акциз маркалари жорий этилди. 1 сентябрдан бошлаб илгари амалда бўлган акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш бутулай таъқиқланади. Акциз маркасиз маҳсулотлар билан савдо қилаётган юридик шахслар аниқлангудек бўлса, улар алкоголли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)дан шу заҳотиёқ маҳрум этиладилар. Бундай нохушликлар келиб чиқмаслиги учун амалдаги қонун-қоидаларга қатъий амал қилайлик.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати раҳбари.

Шеробод туманида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Албатта, булар турли тушунмовчиликлар олдини олишга катта ёрдам бермоқда.

Суратда: ҳимоячи М.Усмонов, (чапдан ўнгга) маслаҳатчи Ж.Бекиев, туман судьяси М.Назаров, котиб У.Ортиқов, маслаҳатчи М.Султонов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

АДВОКАТ МАВҚЕИ ОШСА...

Мамлакатимизда адвокатларнинг мавқеи кўтарилмас экан, ҳуқуқий демократик давлат қуришга эриша олмаймиз. Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, жамиятимизда адвокатларнинг ўрни нақадар суст эканлигига амин бўламиз. Ваҳоланки, юксалиш даври адвокатларимиз олдига катта талаблар қўймоқда. Хўш, юксалиш даврининг шартларидан бири бўлиб қолаётган бу масалага қандай ечим топиш мумкин. Чилонзор тумани адвокатлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси бошлиғи, юридик фанлари доктори Турсун ТОЖИЕВ билан суҳбатимиз шу масалалар хусусида бўлди.

- Юртимиз катта ислоҳотлар, юксалиш даврини бошидан кечирмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда адвокатларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар ошиб бормоқда. Хўш, адвокатларимиз бугунги талаб даражаларига жавоб бера олаяптиларми?

- Дарҳақиқат, юксалиш даври ҳуқуқ тартибот ходимлари олдига бугунги кунда жуда катта талаблар қўймоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишим зарур. Адвокатлик соҳаси аввало энг олийжаноб ва шарафли касб ҳисобланади. Чунки у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бу эса адвокатдан жуда катта меҳнат, билим ва тажриба, қолаверса тинимсиз изланиш талаб этади. Айбни топиш, уни кўрсатиш қийин иш. Лекин айбдор деб тахмин қилинаётган шахснинг айбсиз эканлигини қонуний равишда исботлаб бериш ниҳоятда мушкул иш. Шунинг учун ҳам улар айбловчининг бу ўриндаги хато ва камчиликларини кўрсатиб бера олиши учун уларга нисбатан кучли билимга эга бўлишларини тақозо этади. Мустақиллик шарофати билан янгидан-янги қонунлар, низомлар ишлаб чиқилмоқда. Адвокат биринчи навбатда уларни ўз вақтида ўзлаштириб амалга тадбиқ эта билиши лозим. Тан олиш керак, ҳамма адвокатлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олаётгани йўқ. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Охирги пайтларда адвокатларнинг ўз касбига совуққонлик билан ёндошишларига сабаб бўлаётган нарса, бу уларнинг меҳнатлари нотўғри баҳоланаётганида деб биламан. Айниқса, тергов ишлари холисона тўлиқ олиб борилмаётгани, бунинг оқибатида ҳақиқий иш ҳолати аниқланмай қолаётгани қуйи суд жараёнларида холисона аниқланган далил исботларга асосан ҳукм чиқариш ўрнига дастлабки тергов материалларига биноан адолатсиз, қонунсиз ҳукмлар чиқариш кенг тус олиб бораётганлиги ва бу қонун бузилишларига нисбатан фуқаролар ва уларнинг ҳимоячилари томонидан ёзилган эътироз ва шикоятлардаги асосий важлар мутлақо инобатга олинмасдан қолаётганлиги ҳимоямизда бўлган фуқароларни, уларнинг оилалари ва яқин қариндошларини, қолаверса кенг жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солиб қўймоқда. Ҳаммадан ачинарлиси эса, суд, тергов органларининг ўз ҳамкасб, ҳамфикрлари бўлмиш адвокатларнинг холисона, қонуний фикр-мулоҳазаларига қулоқ солмасликлари жуда хунук ва даҳшатли ҳолларни келтириб чиқараётганлигидадир. Амалиётда шундай мисоллар ҳам мавжудки, терговдаёқ ишни ёткизиш мумкин бўлган ҳолда, терговнинг юзаки олиб борилишидан айрим фуқаролар ва уларнинг яқин қариндош-уруғлари ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўриб қолмоқдалар. Уларнинг зарарларини афсуски ҳеч ким, на тергов, на суд органлари тўлаётгани йўқ. Бу ҳуқуқий, адолатпарвар давлат қуришдек олийжаноб ишимизга путур етказиш аниқ. Масалан, М.Мажидов гўёки хизмат мавқеини суистеъмол қилган деган айб билан Чилонзор туман суди орқали 1996 йилда 6 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилган. Олий суд эса унинг ҳаракатида жиноят йўқлигини аниқлади ва оқлади. Шу каби ноаниқликлар адвокатларнинг масъулият ва ваколат доираларини ҳар тарафлама чегаралаб қўймоқда.

- Адвокатларимиз савиясини ривожланган демократик давлатларда фаолият кўрсатаётган адвокатлар даражасига олиб чиқиш учун нималар қилишимиз керак деб ўйлайсиз?

- Аввало Қонун устиворлигига қатъий риоя қилишимиз зарур. Айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, қонунни ҳимоя қилувчи органлар фақат қонун нуқтаи назаридан туриб иш кўришлари, шунингдек, ўз касб маҳоратларини янада ошириб боришлари лозим. Шунинг билан биргаликда Судлар адвокатура органларининг фикр ва мулоҳазалари билан ҳисоблашсалар мамлакатимизда адвокат мавқеининг ошишига, фуқароларнинг эса айбсиз айбдор бўлиб қолишларининг олди олинишига катта ҳисса қўшган бўлур эдилар.

Дилором КАРИМ қизи,
суҳбатлашди.

Биздан сўрабсиз...

Саволларга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Карим МУХТОРОВ жавоб беради

Ўзбекистон Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизмат ўтаётганларнинг оилаларига солиқ масалалари бўйича қандай имтиёзлар берилган?

М.АҲМЕДОВА,
Қўқон шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 93-моддасига мувофиқ муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг ва уларнинг оила аъзоларининг хизматни ўташ даврида мол-мулкига солиқ солинмайди.

Шу кодекснинг 102-моддаси талабига асосан ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари уларнинг хизмат муддати давомида ер солиғидан озод қилинадилар.

Кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланишга муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат қилаётган қисмидан ёки туман (шаҳар) Ҳарбий комиссариятидан берилган маълумотнома асос бўлади.

Қонунда (59-модда) муддатли ҳарбий хизмат ўтаётганларнинг оила аъзоларини даромадига солинадиган солиқдан тўлалигича ёки қисман озод қилиш кўзда тутилмаган.

* * *

Автокорхонамизда 1977-1999 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида 60 ёшга етган автомашина ҳайдовчиларни маъмурият касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда ҳайдовчилик билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишга ўтказиш ёки пенсияга чиқариш мўлжалланган.

Ҳайдовчилар кунига 10-12 соатлаб автомашина рулини бошқаради. Албатта бу ходимнинг меҳнат савиясини пасайтиради.

Жамоа шартномасининг ҳайдовчиларни 60 ёшга тўлгандан сўнг уларни бошқа ишга ўтказиш ёки пенсияга чиқариш тўғрисидаги банди тўғрими?

К.РАҲИМОВ,
Фарғона шаҳар, 9-автокорхона
касаба уюшма қўмитасининг раиси.

Биринчидан, жамоа шартномаси 22 йил муддатга тузилмайди. 1 апрель 1996 йилгача жамоа шартномаси бир йилга мўлжаллаб тузилган. Ҳозир амалдаги Меҳнат кодексининг 41-моддасига мувофиқ жамоа шартномаси иш берувчи билан касаба уюшма қўмитасининг ўзаро келишиб белгилаган муддати давомида амал қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 92-моддасига биноан ходимни бошқа доимий ишга ўтказиш учун албатта унинг розилиги олиниши шарт. Агар ходим соғлиғи туфайли бошқа ишга ўтказилмоқчи бўлса тиббий хулоса ва унинг розилиги бўлиши керак.

Учинчидан, халқаро ҳуқуққа тўғри келмаганлиги учун 30.06.93 йилда Ўзбекистон Конституциявий назорат Қўмитасининг хулосасига мувофиқ пенсия ёшига етган ходимларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатиш бекор қилинган. (МҲК, 41-модда, 1^{1} банди)

Тўртинчидан, Меҳнат кодексининг 5-моддасига биноан юқоридаги асосларга кўра корхонангизда қабул қилинган жамоа шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бу йўл қўйилган хатоликларни тугатиш учун Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши (албатта Ўзбекистон автотранспорт ва йўл хўжалиги касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Вилоят соҳа касаба уюшма қўмитаси четда қолиши керак эмас) корхона жамоа шартномасини, ҳайдовчиларни иш вақти масалаларини кўриб чиқиб, амалий ёрдам беришса яхши бўларди.

Фарзанд... **Нурмамат АЛМУРОДОВ сурат-лавҳаси.**

Суд ҳукмидан сўнг...

ЯШИРИНГАН ҚОТИЛ

У Россияда бир йилу, икки ойдан бери жазодан қочиб, яшириниб юрган эди

Ёшгина йигитлар Улуғбек ва Олегларнинг қисмати одамни ачинтиради, юракларни ўртайди. Эсиз йигитлар! Бирининг ёш умри жувонмарг бўлди, у ваҳшийларча қийнов, дўпослаш ва пичоқлаш оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Бири ўн олти йилга қамалиб кетди. Бу оз муддат эмас, бир йигит умрига тенг...

Ўйланиб қоласан киши, хўш, улардан жамиятга нима фойда тегди, қандай ном қолдиришди? Ҳаётда ҳеч қандай қийинчилик кўрмасдан талтайиб ўсган, меҳнатга бўйни ёр бермаган йигитлар безорилик кўчасига осонгина кириб кетишди. Бир марта судланиб, қамалиб чиқишса ҳам ақл-ҳушини йиғиб олишмади. Улар вақтида тўғри йўлга солинганида, боши берк кўчага кириб кетишининг олди олинганида балки бу фожеа юз бермаган, Олег тириклар сафида, Улуғбек эса панжара ортида эмас, озодликда юрган бўлишармиди.

...Синяевлар оиласи бошига оғир кулфат, мусибат тушди. Ўғил Олег навқирон йигит ёшида ваҳшийларча калтакланиб, пичоқланиб, кўп қон йўқотган ҳолда ҳушига келмасдан касалхонада вафот этди. Бу оғир жудоликни кўтара олмаган она Надежда Синяева орадан икки ҳафта ўтиб оламдан ўтди. Оилада Людмила ва кичик Мариналар қолишди.

Ҳаммадан ҳам Людмилага оғир зарба бўлди. У ҳам акасидан, ҳам севган йигитидан ажради. Людмила ёқтирган, оила қуришга, тўй қилишга аҳд қилишган уйларига бемалол келиб-кетиб юрадиган, баъзи кунлари тунаб ҳам қоладиган ёқимтой йигит Улуғбек- акасининг қотили бўлиб чиқди.

Қотиллик арзимаган жанжалдан келиб чиқди. Мастлик оқибатида жанжал кучайиб, охири фожеа билан якун топди. Улуғбек Гулистон шаҳридаги 4-турар-жой массиви ЖЭКида сантехник бўлиб ишларди. Ишдан кейин барга кирди. Кайфияти йўқлигигами ёки бирор бошқа сабаб бўлдими, ичкиси келиб, юз грамм ароқ олди. Назарида бу камлик қилгандай бўлиб, яна юз грамм ароқ олиб ичди. Кейин хушнуд қиёфада Людмилаларникига борди. Борса, уйда Маринадан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Людмилани сўраган эди:

- Қўшни Катя холаникида ароқ ичишаяпти, - деди қиз норози қиёфада.

Бу гап Улуғбекнинг таъбирини хира қилди. Нохуш қиёфада қўшни Катя холаникига ўтди. Ҳақиқатдан ҳам бу ерда Людмила қўшни Людмила Ершова билан ичиб ўтирган экан. Қизнинг кайфи хийла ошиб қолган, тили зўрға айланарди.

- Нега ичдинг, - деди ғазабини ичига юта олмай Улуғбек.

- Акам рухсат берди.

- Рухсат бермай ўлсин, галварс! Ичса, ўзи ичавермайдими, сен билан нима иши бор? Шунчалик ҳам букиб ичасанми? Кетдик уйга, бориб дамингни ол!

Улуғбек Людмилани суяб, қўлтиқлаб уйига олиб борди. Уришиб-сўкиб юзига бир тарсаки туширди-да, диванга ётқизиб қўйди. Людмила нималарнидир ғулдираб, ароқ таъсирида тезда ухлаб қолди. Улуғбек Катя холаникига борса, Олег ҳали ҳаммомдан чиқмаган экан. Тўппа-тўғри Олег чўмилаётган ҳаммомга кириб борди.

-Людмиланинг ичишига нега рухсат бердинг,-деди кўзларини олайтириб.

- Ҳаммомдан чиқай, кейин гаплашамиз,-деди Олег хушламай.

Олег ҳаммомдан чиқиб, уйига боргач, Улуғбек билан жанжаллашиб қолишди. Кейин муштлашишди. Жуссаси кичкина бўлганидан Улуғбек кўпроқ калтак еди. Оғзи-бурни қонга беланиб, уйдан қочиб чиқди. Ташқаридаги водопровод сувида юз-қўлини ювиб олди.

Олегдан калтак егани Улуғбекка қаттиқ алам қилди. Олегнинг қўшни Людмила билан бироздан сўнг шу йўлдан ўтиб, танишлари Иринаникига боришини билганидан йўл бошида кутиб турди. Олегнинг аямасдан қаттиқ урганини ҳеч ҳам ҳазм қилолмасди. Қўлига тахта парчасини олди. Мана шу билан уриб бошини пачоқ қиламан, менга кўтарилган қўлларини синдираман. Вой, ярамас баттолей! Мен ҳисоб-китобни кечиктирадиганлардан эмасман. Кунинг битди, галварс!

Олег билан қўшни Людмиланинг йўлда келаётганига кўзи тушгач, уларнинг қаршисига чиқди.

- Қаёққа бораяпсан, муттаҳам, энди қорангни кўрсатма,-деди Олег дарғазаб бўлиб.

- Сенларникида курткам қолиб кетибди,-деди Улуғбек.

Олег тутақиб уни сўкди, кейин юзига шапалоқ урди. Улуғбек қўлига тахта парчасини олиб ҳужумга ўтмоқчи бўлган эди, Олег ёнидан пичоқ чиқарди. Буни кўриб турган Людмила қўрқиб кетганидан додлаганича уйига қараб қочди. Олег билан Улуғбек ёқалашиб кетди. Олег бакуват эмасми, Улуғбекни ерга ётқизиб олиб ура бошлади. Улуғбек бир амаллаб унинг тагидан чиқиб олди-да, тахта парчаси билан Олегни урди. Шунда Олегнинг қўлидан пичоқ ерга тушиб кетди. Буни кўрган Улуғбек эпчиллик билан пичоқни олиб, унинг тўғри келган жойига жон-жаҳди билан ура бошлади.

Узоқдан қўшни Людмила билан Олегнинг синглиси Мариналар чопиб келишаётганига кўзи тушган Улуғбек воқеа жойидан ғойиб бўлди. Пичоқни эса Дўстлик каналида оқаётган сувга улоқтириб юборди. Кейин катта йўлга чиқиб, йўловчи машинада Тошкентга, ундан поездга ўтириб, Россияга жўнаб кетди.

Бу ваҳшийларча қилинган оғир жиноят 1996 йилнинг 16 октябрида кеч ғира-шира қоронғулигида содир этилган эди. Шу кетганича Улуғбек Россияда бир йилдан кўпроқ вақт қочиб юрди. Ниҳоят, Оренбург вилоятининг Бузулук шаҳридан 1998 йил 12 январида ушлаб олиб келиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Қидирувда бўлган жиноятчи қўлга тушди.

Судда Улуғбек Тўхтаевнинг жинояти ўзининг иқрорлиги ва гувоҳларнинг кўргазмаси билан ўз тасдиғини топди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 97-моддасининг 2-қисми «ж», «л»-бандлари билан ўн олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди.

Муҳаббатдан нафратгача бир қадам экан. Людмила Улуғбекни жон дилидан севарди, унга ўзига ишонгандай ишонарди. Улуғбек унинг акаси кўксигагина эмас, муҳаббатига ҳам пичоқ урди. Энди у бир умр нафратланиб яшайди. «Мен севган, кўнгил қўйган киши одам эмас, жаллод экан», дейди у афсус ва надомат билан.

Сорабек ХОЛМУРОДОВ,
журналист.
Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бизнинг шарҳ

ЎЗАРО ИШОНЧ ЙЎЛИДАН

Бугун Бельгия Қироллигининг Миллий байрами — бельгиянинг биринчи қироли Леопольд тахтга ўтирган кун

Европанинг шимоли — ғарбида жойлашган Бельгия Қироллиги билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар 1993 йил, яъни Брюсселда Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсата бошлаганидан буён такомиллашиб, кенгайиб бормоқда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олган Бельгия муҳим савдо ва коммуникация йўллари кесишган ерда жойлашган бўлиб, унинг жаҳон савдосидаги улуши 2,7 фоизни ташкил қилади. Мамлакат экспортида автомобилсозлик маҳсулотлари етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Европанинг ана шу қудратли давлати билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тобора ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 1995 йил баҳорида Бельгияда бўлганида ташқи иқтисоидий алоқалар вазири жаноб Урбен билан музокаралар ўтказган эди ва ана шу учрашувлар натижаси ўлароқ томонлар тарафидан икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида Қўшма Декларация, икки томонлама солиқ солишнинг олдини оилш ва ҳаво йўллари тўғрисидаги Битимлар тасдиқланган.

1996 йилнинг июнь ойида Бельгия Қироллиги ҳукумати ва тадбиркорлари вакиллари Ўзбекистон Республикасига келиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда республиканинг бошқа раҳбарлари билан учрашган эдилар. Ана шу ташриф доирасида Ўзбекистон — Бельгия бизнес-семинари ҳам ўтказилиб, унда Бельгия ва Ўзбекистон тадбиркорлари савдо — иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашган эдилар.

Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги товар айрибошлаш йилига ўртача 60 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳозирга қадар Бельгиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ҳажми 400 миллион долларга етган. Бугунги кунда Ўзбекистонда жуда кўп Бельгия инвестицияси асосида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар мавжуд. Булар асосан қурилиш ускуналари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида иш юритаётган корхоналардир. Улар орасида «Ассекон Лтд», «Целлюлоза нитрепрайз», «Бутрик Лтд» кабилар бор. Бельгиянинг «Луис Дрейфус Коттон», «Делойт энд Туш Си-Ай-Эс» ва Электр алоқа бўйича халқаро жамият (СИТА) фирмалари Тошкентда ўз вакиллигини очди.

1994 йил февраль ойида Ўзбекистон вилоятлари ва туманлари ҳокимлари ҳайъатининг Бельгия Қироллигига сафари ҳамда ўз навбатида Люксембург шаҳзодаси Жан бошчилигида Бельгия йирик компанияси — «Коминко» раҳбарларининг ташрифларидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланди. Тўқимачилик дастгоҳлари, йигирув ва пардозлаш машиналари, гилам тўқиш саноати учун ускуналар тайёрловчи, сутни қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида ўзаро музокаралар олиб борилмоқда.

Умуман олганда бугунги кунда тўқимачилик саноати, мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш, дори-дармон ишлаб чиқариш каби соҳалар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги ўзаро муносабатларни сайёҳлик, ходимларни ўқитиш, банк фаолиятида тажриба алмашиш соҳаларида ҳам тараққий эттириш мумкин.

1996 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бельгия Қироллигига расмий ташриф буюрган эди. Сафар давомида давлатимиз раҳбари Бельгия Қироли Альберт Иккинчи, Бош Вазир Жан-Люк Дехане, НАТО Бош котиби Хаавьер Солана, Европа Иттифоқи Комиссияси президенти Жак Сантер ва шу ташкилот комиссари Ханс Ван Ден Брук билан учрашувлар ўтказди. Ўзбекистон раҳбарининг Бельгияга сафари икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига янги туртки берди. Ташриф чоғида имзоланган ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир ҳужжатлар бугунги кунда ҳаётга самарали тадбиқ этилмоқда.

Шу йилнинг апрель ойида эса Ўзбекистонга илк расмий ташриф билан Бельгия Бош вазири жаноб Жан-Люк Дехане келди. Бу ташриф Ўзбекистон билан Бельгия Қироллиги ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади. Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Бельгия музокараларида икки давлат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи янги битим ва шартномалар имзоланди. Бельгия Бош вазири Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини юқори баҳолади ва бу жараёнларда Бельгия ҳукумати Ўзбекистонга ҳамиша кўмак беришга тайёр эканлигини таъкидлади. Яъни, Бельгия Ўзбекистонга катта ишонч билан қарашини изҳор этди.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

Касаба уюшма ҳаёти: дам олиш масканларида

«ХОНЖИЗА»

Ҳисор тоғ тизмалари этагида жойлашган сўлим гўшада Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши тасарруфидаги «Хонжиза» дам олиш маскани бор. Бу ерда ҳар йили мавсум 27 майдан бошланарди. Лекин бу йил... Баҳордаги кетма-кет ёғингарчиликлар боис дам олиш масканига олиб борадиган йўлнинг бир қисмини сув олиб кетди. Шу сабабдан бўлса керак бу йил мавсум бироз кечикди.

Биз тушган «Дамас» автоулови шаҳар ва қўрғонларни ортда қолдириб, тоғ йўлига бурилди. Дам олиш маркази шу ердан 30 чақирим ичкарида жойлашган. Тўғриси, тоғ йўллари биз юриб келган пастки йўллардан қолишмайди. Йўлнинг шундоққина ёнида Қизилсув дарёси шарқираб оқмоқда. Йўлнинг сув олиб кетган қисмига ҳам етиб келдик. Қайта таъмирланган йўл кафтдек теп-текис. Йўлнинг яна бир таъмирланган жойи бор экан. У ҳам жуда яхши таъмирланганидан автоулов тезлигини ўзгартирмай ўтиб кетди.

Равон йўллар орқали манзилга етиб келиб машинадан тушамиз. Мамлакатимизнинг энг боҳаво жойи шу ер бўлса керак, деган ўй кечади кўнглимдан. Атрофга назар ташлайман, сайроқи булбулларнинг хонишлари табиат фусункорлигини янада оширади.

Ҳар йили бир неча минглаб нафар мижоз дам оладиган масканда ҳозир бор-йўғи 18 нафар киши ҳордиқ чиқараётган экан. Улардан бири Қ.Файзуллаевни суҳбатга тортамиз.

- Мен ҳар йили меҳнат таътилимни шу ерда ўтказаман,-дейди у.- Бу ердаги даволаниш ҳамда хизматларга ҳар қанча мақтов ҳам камлик қилади. Муаммонинг ўзи йўқ ҳисоби. Киройи ҳордиқ чиқарсанг шундай жойларга келсанг экан.

Дам олиш маскани бир йўла 400 кишининг ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган. Шинам уйлар, хона ва жойлар мижозларни қабул қилишга шай. Туман марказидан дам олиш уйига йўловчи автобуси ҳар куни қатнаб турибди.

- Имкониятимиз борича мижозлар учун барча шарт-шароитларни яратганмиз,-дейди дам олиш уйи директорининг муовини А.Шарипов.- Мана кўриб турганингиздек ҳамма ёқ саранжом-саришта. Биз айниқса кейинги йилларда ҳудудимизни ободонлаштириш ва мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга эътиборни кучайтираяпмиз. Ҳар бир хонада зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар, телевизор, радио ишлаб турибди.

Дам олиш масканига борувчилар йўлланма қийматининг 10 фоизини тўлашади. Бу ҳам улар учун катта имконият. Яна: июнь ойи учун олинган йўлланмалар фойдаланилмаган бўлса, кейинги муддатга ҳам ўтаверади. Буни бизга вилоят касаба уюшмалари кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудири Ч.Бозоров айтди.

Хуллас, дам олмоқчимисиз, Хонжизага келинг.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: маскан ходимлари Л. Раҳимов, А.Шарипов,Ф.Широковалар боғда;
дам олиш маскани кўриниши;

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган суратлар.

ГУЗАРЛАРДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Жиззах вилоят бўлими ўз фаолиятида аҳолини узлуксиз иш жойи билан таъминлашга алоҳида эътибор бериб келаяпти. Бунда янгидан ташкил қилинаётган гузарларда кичик корхона ва цехлар очилиши муҳим аҳамият касб этаётир.

Жамғарманинг вилоят бўлими яқинда Жиззах шаҳридаги Тошлоқ маҳалла гузари ҳудудида анчадан буён қурилиши тугалланмаган бинони ўз қарамоғига олиб, 500 минг сўмлик маблағ ҳисобига таъмирлади ҳамда ана шу жойда ўн киши мунтазам ишлайдиган дурустгина зардўзлик цехи ташкил этди.

Шуниси эътиборлики, вилоятда маҳалла гузарларини барпо этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бугунги кунда вилоят бўйича 28 та ана шундай маҳалла марказлари намунали тарзда ишлаб турибди. Уларнинг қурилишига туман ва шаҳарлар ҳокимликлар доимий эътибор қилиб келишаяпти. Бугунга келиб биргина Жиззах шаҳрида 8 та маҳалла гузарлари ишлаб турибди. Шаҳарда яна битта Тошлоқ маҳалла гузари қурилиши поёнига етай деб қолди.

- Жамғармамиз қошида бешта деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этдик,- дейди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Ш.Жўраев,- бу билан режалаштирилган кўплаб ташкилий тадбирларимизни маблағ билан таъминлаш имконига эга бўлаяпмиз. Биргина Зарбдор тумани ҳудудида ташкил этилган ёрдамчи хўжалигимиздан бу йилги даромад бир миллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарманинг вилоят бўлими аҳолининг кўпроқ қисми қишлоқларда истиқомат қилишларини ҳисобга олиб, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш мақсадида турар-жойларда иш ўринлари ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунга Бахмал туманида ташкил этилган гилам тўқувчилар фаолиятини мисол қилса бўлади. Уларнинг тўқиган чўғдек гиламлари бозорда ҳам талабга муяссар бўлаётгани билан эътиборлидир.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши кураш олиб бориш бўйича ёрдамчиси Богдан Лисович яқинда Алматида мухбирлар билан бўлган учрашувда БМТнинг «Гиёҳвандликка қарши кураш дастури» ҳақида тўхталар экан, Марказий Осиё республикалари Афғонистондан олиб ўтилаётган оғуни тарқалишини олдини олиш учун бир-бирларидан ахборот олишни яхши йўлга қўйишлари лозимлигини уқтирган. Маълумотларга қараганда дунё бўйича ҳар йили етиштириладиган 4,8 минг тонна афюннинг 2,8 минг тоннаси Афғонистонда тайёрланар, бу иш билан мамлакатнинг 250 минг аҳолиси шуғулланар экан.

***

Қозоғистон аҳолиси ўртасида ҳам наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Хабарларга қараганда, ҳозир республикада расман 35 минг нафар киши рўйхатга олинган. Бироқ, ҳақиқатда бу рақам бир неча марта ортиқроқ.

***

Қирғизистон алоқа вазирининг ўринбосари М.Абдаев Эрон алоқа вазири Муҳаммад Ризо Ориф билан Теҳронда учрашган. Юқори мартабали бу кишилар учрашув чоғида иккала мамлакат ўртасидаги транспорт ва алоқани ривожлантириш, бу борада тажриба алмашиш ҳақида суҳбатлашишган. М.Абзаев гапларига қараганда бу соҳада Эрон тўплаган тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

***

Тожикистон Бош вазирининг ўринбосари Хожакбар Тўражонзода Би-Би-Си мухбири билан суҳбатда у терроризм ва ёвузликка қарши курашиб келганлигини, республикада мустаҳкам тинчлик ва осойишталикни сақланиши нафақат Тожикистон аҳолиси учун балки шу минтақа халқлари учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини айтган.

НОЁБ СОПОЛ ЛАГАН

Янгилик

Мамлакатимиз ҳудудида қадимий обидалар, тарихий қалъа ва қўрғонлар жуда кўп. Кердар шулардан биридир. Нукус тумани ҳудудида жойлашган бу қалъа VII-X асрларга мансуб бўлиб, бу ерда авлод-аждодларимиз яшаб меҳнат қилишган. Қалъа маданий, илм-фан, маънавият маркази бўлган. Қарийб 40 гектар майдонни эгаллаган мазкур қалъада археологик тадқиқот ишларини олиб бориш учун Нукус педагогика институти билан Нукус туман ҳокимлиги ўртасида шартнома тузилган эди. Шунга асосан мазкур институтнинг тарих-ҳуқуқшунослик факультети талабалари, ўқитувчилари қалъада илмий тадқиқот ишларини ўтказмоқдалар. Қазиш ишлари олиб борилаётган бир пайтда талаба Бердах Пирназаровга омад кулиб боқди. У қадимий қалъа қаъридан ҳумо қуши тасвири туширилган сопол лаган топиб олди. Тасвирда қуш қанотини виқор билан ёйиб турибди. Унинг кўкрагига илон боши тасвири туширилган. Илоннинг қуйруғида эса балиқ расми солинган. Азалдан маълумки, ота-боболаримиз Ҳумони бахт, озодлик рамзи сифатида ардоқлаб келишган. Илон расми мазмуни эса - ақллилик, ботирликни англатади. Афсоналарга қараганда илон сурати бор жойга жиншайтон аралашмас, ҳар хил ёмон кўзлардан асраркан. Балиқ эса тозалик, ҳалоллик рамзи. Сопол лаганга балиқ ва сув расмини туширилиши ўша пайтларда балиқчилик ривожланганига бир ишора бўлса ажабмас.

Ҳумо қуши расми туширилган лаганни олимлар IX-X асрларга оид сопол буюмлардан бири деб тахмин қилмоқда.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Жиззах вилоятидаги «Пластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоасининг фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта. Айниқса, чигитни плёнка остига экишга мўлжалланган плёнкага талаб катта.

Жамоа аҳли Самарқанд, Андижон, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Тошкент ва бошқа вилоятлардан олинган буюртмаларни сифатли бажариш учун ҳаракат қилишмоқда.

Суратларда: ишчи Мавлудахон Каримова.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ●

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ 12 МАРТА КЎТАРИЛДИ

Тўққиз кун давомида Москвада Халқаро Олимпия Қўмитасининг тасарруфи остида ўтказилган биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари ниҳоясига етди. Унда 137 мамлакатдан келган етти мингдан ортиқ ёш спортчилар дастурдаги ўн беш спорт тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақалар давомида Москвадаги спорт иншоотларида ўн икки бор ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Айниқса, Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларининг еттинчи куни спорт делегациямиз учун омадли келди. Шу куни эркин кураш бўйича 42 килограмм оғирлик вазнда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Дилшод Мансуров саралаш ўйинларида ва финалда кореялик рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари давомида вакилларимиз кураш турлари бўйича муваффақиятли қатнашдилар. Эркин курашчи Жаҳонгир Абдураҳмонов, юнон-рум кураши бўйича Савриддин Наврўзов ва дзюдочи Руслан Эргашевлар , кумуш медаллар билан тақдирланишди. Эркин кураш бўйича деярли барча спортчиларимиз Ватанимизга медаллар билан қайтдилар. Дилшод Мансуров олтин, Жаҳонгир Абдураҳмонов кумуш медалига сазовор бўлган бўлса, Жамшид Саидов, Хуршид Холдоровлар бронза медаллари билан тақдирланишди. Шунингдек, юнон-рум кураши бўйича биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида спортчиларимиз орасида биринчи бўлиб бронза медалини қўлга киритган Денис Здориковнинг ютуғи курашчиларимизга куч ва илҳом бахш этди. Юнон-рум курашчиларимиз Нодир Қосимов, Муҳаммадумар Мадаминов ва Жавлон Азимовлар 50 дан ортиқ мамлакат курашчилари ўртасида кучли бешликдан ўрин эгаллашди.

Республикамизда теннисни оммалаштириш, маҳоратли спортчилар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида ҳам ўз самарасини берди. Айниқса, теннисчи қизларимиз қўлга киритган ғалаба қувонарлидир. Шахсий биринчиликда Ирода Тўлаганова литвалик тажрибали теннисчи Жаркова устидан 6:4 ва 6:2 ҳисобида ғалаба қозонганлиги Ироданинг маҳорати ошиб бораётганлигидан далолатдир. Шунингдек, Ирода Тўлаганова ва Луиза Биктяковалар биринчи Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларининг ярим финалигача етиб бордилар. Бу икки теннисчи қиз ярим финалда Россия ва Греция давлатлари теннисчиларидан ташкил топган жуфтликка қарши майдонга тушишди. Мусобақада қизларимиз учинчи ўринни эгаллаб бронза медали совриндори бўлишди. Александр Мальцев ва Александр Крилов жуфтлиги ҳам ўйинларни яхши ўтказди. Бу икки теннисчимиз жуфт мусобақада 5-8-ўринларни бўлишиб олдилар. Енгил атлетика бўйича россиялик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди. Бўлиб ўтган тўрт кунлик мусобақада улар 8 олтин, 2 кумуш ва 9 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси Анастасия Кирбятева эса бешинчи натижага эришди. У уч хатлаб сакрашда 12 метр 63 сантиметр натижа билан кучли бешликлар сафидан ўрин эгаллади. Найза улоқтиришда Лилия Дўстметова 6-натижа кўрсатди. Стол теннисчиларимизга ҳам иккита бронза медали топширилди. Қиличбозлик бўйича рапирачимиз Ольга Соколова 18- ўрин билан кифояланди. Константин Неизвестний шамшир бўйича мусобақанинг 8-поғонасидан жой олди. Спорт гимнастикаси бўйича россиялик спортчиларга тенг келувчи рақиб топилмади. Ҳал қилувчи беллашувларда йигит ва қизлар кўпкураш бўйича барча олтита медални қўлга киритишди.

Агар мусобақада қўлга киритилган натижаларга назар ташланадиган бўлса, турли давлат спортчилари юқори натижаларга эришдилар. Енгил атлетика секторида узунликка сакраш бўйича кубалик Йелмис Пачеко, 5 километрга спортча юриш бўйича белоруссиялик Александр Кузьмин, 100 метрга югуришда Жанубий африкалик Пол Горрис чемпион бўлишди. Диск улоқтиришда қизлар ўртасида хитойлик Лю Янься, лангарчўп билан сакрашда ва баландликка сакрашда россиялик Елена Исенбаева ва Марина Купцова, узунликка сакрашда украиналик Евгений Ставчанская, 100 метрга югуришда Ирландия спортчиси Эмили Мейхер ғалаба қозонишди.

Кореялик ёш сузувчи Хи Ен Чо бирданига 2 олтин медал соҳиби бўлди. 100 метрга баттерфляй ва 400 метрга комплекс сузишда барча рақибларини ортда қолдирди. Яна бир олий мукофотни 200 метр масофага эркин сузишда буюкбританиялик Николь Жексон қўлга киритди. Йигитлар баҳсида комплекс сузишда россиялик Алексей Ковригин, 400 метрга эркин сузишда украиналик Игорь Чрвинский биринчи бўлишди. Шунингдек, 200 метрга 4 мартадан эстафетача сузишда россияликларга тенг келувчи рақиб топилмади. Қиличбозлик бўйича россиялик шамширчи Павел Биков ва германиялик рапирачи Королин Михтерман ҳурмат шохсупасининг юқори поғонасини эгаллашди. Стол тенниси бўйича жамоа мусобақасида кутилгандек хитойлик спортчилар 1-ўрин эгалари бўлишди. Дзюдо бўйича чемпионлик россиялик Дзамлет Абуладзе ва Озарбайжон спортчиси Расул Салимовларга насиб этди. Қизлар баҳсида японийлик Куње Матсуда ва Йинг Ли Йъ лЙФБС олтин медалларга сазовор бўлишди.

Дониёр ЮСУПОВ,
шарҳловчи

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи томонидан 1996 йил Дилшод Хайритдинов номига диплом ўрнига берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Тошкент шаҳар қўмитаси, Марказий Қўмитанинг бўлим мудири Тошпўлатов Абдураҳим Мовлоновичга оналари

Иқболхон ая ТОШПЎЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош
муҳаррир
вазифасини
бажарувчи:
Чори
ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43.
Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10,
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43,
Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро»
(собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ»
нашриёт—матбаа
концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Дониёр ЮСУПОВ 1 2 3 4 5 6